

## ИҚТИСОДИЁТДА ФОСФОРИТ ХОМ АШЁСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

*И.Каримов номли ТДТУ Олмалик филиали*

**Н.А.Мамадалиева**

*12-20хт гуруҳ талабаси Давлаталиев Х.Х*

**Аннотация:** *В тезисы проводится анализ взаимосвязи фосфоритного сырья сегодня и в будущем с ростом населения. Разработаны также важные предложения по обеспечению мировой доступности фосфоритного сырья, а также по дальнейшему развитию сельского хозяйства в производстве минеральных удобрений на химических предприятиях имеющихся запасов страны.*

**Abstract:** *The thesis analyzes the relationship of phosphate rock today and in the future with population growth. Important proposals have also been developed to ensure the worldwide availability of phosphorus raw materials, as well as to further develop agriculture in the production of mineral fertilizers at chemical enterprises of the country's existing reserves.*

**Ключевые слова:** *фосфор, предприятие, калий, удобрение, сырье, промышленность, производство, максимум, сельское хозяйство, фосфорит, апатит, потребность, спрос, питание, запас, экспорт, элемент*

**Keywords:** *phosphorus, enterprise, potassium, fertilizer, raw materials, industry, production, maximum, agriculture, phosphate, apatite, need, demand, food, stock, export, element*

Иқтисодиётда фосфор таркиблии ўғитларнинг муҳимлиги, ҳамда маҳаллий фосфорли хом ашёларнинг Республикадаги мавжуд корхоналар учун аҳамияти атрофлича ўрганилган.

Бир ярим аср мобайнида фосфор, калий сингари элементлар минерал ўғитларнинг таркибий қисмини ташкил этгани ҳолда, янада аҳамияти ошиб, қишлоқ хўжалиги салоҳиятини энг юқори, максимал даражага кўтариш имконини бериб келмоқда. БМТ маълумотларига кўра, 2050 йил сайёрамиз аҳолиси 9.4 млрд кишини (2000й 6.1млрд.) ташкил этади. Албатта бунда, биринчи навбатда, озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни энг юқори даражага етказиш билан инсоният эҳтиёжини қондиришдан иборат. Бунинг учун жаҳон миқёсида ўғитлар ишлаб чиқаришни, жумладан фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришга мос равишда фосфорли хом ашё қазиб, етказишни кенг йўлга қўйилиши муҳим ҳисобланади. Шунингдек, фосфорли ўғитларга бўлган талаб доим ўсиб келмоқла. Табиатда фосфорит хом-ашё рудаси: саноатда қайта ишланиш услубига кўра: фосфорит ва апатитга фарқланади. Республикамизда табиий равишда ҳозиргача фосфоритлар мавжудлиги аниқланган. Шунингдек, табиатда барча

фосфорли рудалар комплекс ҳолда учрайди. Фосфоритларни бирламчи қайта ишлаб чиқаришда фосфорит оксиди таркиби 30%ни, халқаро статистикадан маълумки, 36-39 фоизни ташкил этади. Айрим мамлакатларда айтайлик, Хитой ва Ҳиндистонда 20-35 фоизли, Осиё ва Африка каби бир қанча ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида таркибида фосфор оксиди кам бўлган фосфоритлардан тўғридан-тўғри ёки кам бойитилган ҳолда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Маълумки, жаҳон миқёсида, фосфоритли рудаларни бойитиш, фосфорли ўғитларни ишлаб чиқариш 30 дан ортиқ мамлакатларда амалга оширилиб келинади. Ушбу ишлаб чиқаришнинг 65 фоизи жами учта мамлакатга, яъни Хитой, Америка ва Марокко ҳиссасига тўғри келади. Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришни жаҳон ишлаб чиқариш қуввати бўйича оладиган бўлсак, 2013 йилда 42,5млн тонна фосфорли оксид ишлаб чиқарилган бўлса, шундан биргина 2008 йилнинг ўзида 9,1 млн тоннага фосфорли оксиднинг ҳиссаси ўсганлиги аниқланган. Бу эса Аммофос, диаммофос ва учламчи суперфосфат ишлаб чиқарувчи ўнлаб мамлакатларда 40дан ортиқ янги корхоналарнинг қурилишига сабаб бўлди. Агар 2008 йилда фосфор таркибли ўғитларга бўлган талабни дунё мамлакатлари миқёсида кўрадиган бўлсак, таҳлилларга қараганда фосфор таркибли ўғитларга бўлган талабнинг энг кўп ҳиссаси Хитойга 14%, Ҳиндистонда 7% қолган ҳиссаси эса бошқа мамлакатларга тўғри келган. Юртимизда эса 2014йил аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида фосфор таркибли ўғитларга бўлган талаб 700 минг тоннани ташкил этган. Маълумки, юртимиздаги мавжуд Қизилқум фосфорли хом ашё базаларидан фойдаланиб, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, соҳада муҳим технологик ўзгаришларни киритиш юртимиз мустақилликка эришган йилларидан асос солинди.

Ишлаб чиқаришда фосфоритларни бойитишнинг - ювиш, йирик ўлчамли фосфоритларни классификациялаш, флотациялаш, электромагнитли сепарация, электростатик бойитиш усулларида фойдаланиб келинади. Шунга мос равишда юртимизда фаолият кўрсатиб келаётган мавжуд корхоналар Самарқанд кимё ҲЖ , Олмалиқ “Аммофос МАКСАМ”, Қўқон “Суперфосфат”, Чирчиқ агрохимпром МЧЖ ишлаб чиқариш корхоналарида фосфор таркибли ўғитлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган бўлиб, бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини яратиш имкониятини юзага келтирмоқда. Қолаверса, Давлатимизнинг 2017-2021йилларга мўлжалланган Кимё саноатини ривожлантириш дастурида назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширишда, Кимё соҳасининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, «Ўзкимёсаноат» АЖ ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган экспорт ва импорт операцияларининг шаффофлигини таъминлаш, рақобатдош маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиш самарадорлигини ошириш белгилаб берилган.

Фосфорли ўғитларга бўлган талаб ўсиб борар экан, олдиндан қўлланилиб келинган технологиялар ва замонавий ишлаб чиқариш орасидаги зиддиятларни енгиш ва рақобатбардош бўлиш учун бозор шароитида ҳар бир корхоналар олдида қўйилган асосий вазифа;

-кам харажатлар талаб этадиган,

-экологик жиҳатдан зарарсиз технологияларни қўллаш,

-минерал ўғитларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бориш орқали қишлоқ хўжалигида юксак натижаларни қўлга киритишдан иборатдир.

Қолаверса, аҳолида озиқ овқат маҳсулотларига бўлган талаб ўсиб борар экан, бугун минерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасида ички имкониятларни чуқур ўрганиш ва соҳада янги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш муҳим саналади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳисобот. МРИ Тошкент. 2015й
2. Дисс. Н.Мамадалиева “Ўзбекистонда фосфор таркибли ўғитларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш” Т. 1995й